

**.ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА
ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ ТИБИЁТ МАРКАЗИ**

МАХМУДОВА ЗУЛФИЯ ПРИМКУЛОВНА

**ЎПКА СИЛИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА
СПЕЦИФИК СПОНДИЛИТНИ РИВОЖЛАНИШИ ХАВФ
ОМИЛЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ ПРОГНОЗЛАШ**

14.00.26 – Фтизиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации

Content of the abstract of doctoral (PhD) dissertation

Махмудова Зулфия Примкуловна

Факторы риска у больных с туберкулезом
легких в прогнозе развития специфического спондилита..... 3

Махмудова Зулфия Примкуловна

Ўпка сили билан касалланган беморларда
специфик спондилитни ривожланиши
хавф омилларини аниқлаш ва уларни прогнозлаш..... 29

Makhmudova Zulfiya Primkulovna

Risk factors in patients with tuberculosis of
lung in forecast of development
of specific spondilite 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА
ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ ТИБИЁТ МАРКАЗИ**

МАХМУДОВА ЗУЛФИЯ ПРИМКУЛОВНА

**ЎПКА СИЛИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА
СПЕЦИФИК СПОНДИЛИТНИ РИВОЖЛАНИШИ ХАВФ
ОМИЛЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ ПРОГНОЗЛАШ**

14.00.26 – Фтизиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib690 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тилляшайхов Мирзагалеб Нигматович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Содиқов Абдувахид Содиқович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рашидов Зафар Рахматуллаевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент, Фаробий кўчаси, 2. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mai.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99871)- 150-78-14.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Л.Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.У. Гаджиева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Т.А. Даминов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сил касаллиги ўлимга олиб келувчи сабаларнинг 10 талигига киради. 2016 йилда янги аниқланган беморларнинг 87% мазкур касаллик юқори бўлган 30 та мамлакатга тўғри келади, уларнинг ичида эса 64% Хиндистон, Индонезия, Хитой, Нигерия, Покистон, Филлипин ҳамда Жанубий Африка давлатлари эгаллайди. 2016 йилнинг сархисобига кўра 1 миллион нафар болалар мазкур касаллик билан касалланган ва 250 000 нафар болалар ушбу касалликдан вафот этганлар (бу кўрсаткичларнинг ичига ОИВ билан зарарланган болалар ҳам киради). Силнинг сил касаллигига қарши препаратга турғун хиллари эса умумий соғлиқни сақлаш ташкилотлари учун катта хавфни туғдиради. ЖССТ маълумотларига кўра, «...янги аниқланган сил билан касалланган беморларнинг 600 000 биринчи қатор силга қарши препаратларнинг энг самарадорифампицинга турғун хиллари аниқланган. Ушбу маълумотларнинг давоми сифатида, 2000 йилдан 2016 йиллар оралиғида силни эрта ташхишлаш ва даволаш чора тадбирлари самараси натижасида 53 миллион беморлар ҳаёти сақлаб қолинди»¹. Хозирда бутун дунёда силнинг дориларга турғун хиллари-ни даволаш асосий муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Дунёда ўпка сили билан касалланган беморларда специфик спондилитни ривожланиши хавф омилларини аниқлаш ва уларни прогнозлашни оптималлаштириш сифатини яхшилашга қаратилган профилактик тадбирларни юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ўпка туберкулёзи ва унинг умуртқа поғонаси спондилити билан қўшилиб келган хасталиги бор беморларда касаллик кечишини клиник-анамнестик хусусиятларини, ўпка туберкулёзи бор беморларда исботланган тиббиёт усулларидан фойдаланган ҳолда сил спондилити ривожланишини хавф омилларини асослашдан иборат. Ўпка сили билан касалланган беморларда специфик спондилитни ривожланишини эрта аниқлаш, касалликни даволаш ва тарқалишини олдини олиш ва унга қарши чора-тадбирларини кучайтиришни яхштакомиллаштириш тизимини яратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолига юқумли касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтириш бўйича салмоқли натижалар олинди. Шулар билан бир қаторда соғлиқни сақлаш тизимида қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар таркибида ўпка сили билан касалланган беморларда специфик спондилитни ривожланиши хавф омилларини аниқлаш ва уларни прогнозлаш тизимини яратиш муҳимдир. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига² мувофиқ «...аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш йўлида янги диагностика усуллари самарадорлигини баҳолаш» бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бундан

¹ World Health Organization web site, 2016, 2017

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

келиб чиққан холда юқумли касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш самарадорлигини ошириш, турли даражадаги сил билан касалланган беморларда специфик спондилитни ривожланиши хавф омилларини аниқлаш ва уларни прогнозлашни оптималлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантиришни чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туберкулёз ҳамон бутун дунёда, жумладан Ўзбекистон Республикасида устувор йўналишга киритилганлиги билан боғлиқ равишда кенг тарқалган сурункали инфекцион касаллик бўлиб қолмоқда. Сўнгги йилларда туберкулёзнинг тарқалган шакллари—казеоз пневмония, ўпканинг умумий поликаверноз шикастланиши, ичак, буйрак усти беши, тери туберкулёзлари, суяк ва бўғим туберкулёзининг пайдо бўлиши кузатилмоқда (Васильев А.В., 2000; Убайдуллаев А.М. ҳаммуал., 2009; Назиров П.Х., 2010). Ўпка ва бошқа аъзолардаги фаол жараёнли тарқалган туберкулёз ҳамма беморларнинг 9,0% ини ташкил қилса (Иванов А.К., Белкова О.В., 1997), ўпкадан ташқари турли туберкулёз шакллари фаол ва нофаол ўпка туберкулёзи билан қўшилиб келиши 20,1% гача ташкил қилади (Аникина Ф.С. ва бошқ., 1997). Диссеминирлашган ўпка туберкулёзида кўпинча умуртқа поғонаси шикастланиши кузатилади (Frankel D. G., Daffner R. H., Wang S. E., 1991; VandeKelft E. et al., 1992), бунда жараённинг тарқалишида туберкулёзли спондилит полилокал ёки мультифокал хусусиятга эга бўлиб қолади (Ragu C. T. et al, 1991; Vadillo M. et al, 1995; Kheir A., Musanda C. et al., 1999). Аввал ўпкада, кейин эса ўпкадан ташқари туберкулёзга чалинган беморларда спондилит сезиларли қисми (47,3%) ташкил қилади. Туберкулёзли спондилитнинг деструктив шакллари 46% ҳолатларда, абсцесснинг шаклланиб келиши эса 80% ҳолатларда кузатилади (Назиров П. Х., 1998, 2010; Уразбаев А.А., 2010; АИС. Н., 1996).

Ўзбекистонда антибактериал кимёвий даволаш тартиби силни, хусусан умуртқа поғонаси силини даволашнинг асосий усули ҳисобланади. Бирок, деярли бир вақтнинг ўзида ижобий ҳолат билан бирга силнинг антибактериал терапияси чегараланганлиги тўғрисида қатъий гувоҳлик берувчи ишлар пайдо бўлди (Коваленко К.Н., 2000; Лавров В.Н. ва ҳам., 2004; Назиров П.Х.,

2008). Муаллифлар кимёвий терапиянинг самарасизлигини асосий сабаблари деб, жараённинг гиперплазияси, ножўя таъсирлар, антибактериал дори воситаларига резистентлик ва бошқа ҳолатларни кўрсатишади. Умуртқа поғонаси сили, ўпкадан ташқарида жойлашган бошқа сил каби ё организмнинг биринчи марта инфицирланишидан, ёки ўпка ҳамда бошқа аъзоларда жойлашган, манбаи фаол ва яширин бўлган кўп йиллик сил ўчоқларидан келиб чиқадиган сил микобактериясининг гематоген диссеминацияси натижасида келиб чиқади.

Шундай қилиб, тиббиётнинг замонавий ривожланиш босқичида турли касалликлар патогенезини ўрганишда, аъзоларнинг клиник шакллари намоён бўлгунича шикастланишини аниқлашда, рационал этиотроп тактикани белгилашда, патогенетик даволаш ва реабилитацияда алоҳида аъзолар эмас, балки гомеостазни таъминлашда асосий элемент ҳисобланувчи ва патологияда, хусусан ўпка ва умуртқа поғонаси силида унинг оғишини намоён этувчи организмнинг функционал тизими ҳолатини баҳолаш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҳамда АТСС 19.1. илмий йўналиш «Тарқалган ва асоратланган ўпка ва ўпкадан ташқари туберкулёзнинг хирургик даволаш тактикасини такомиллаштириш» (2011-2014 йй.) илмий лойиҳалари асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўпка сили билан касалланган беморларда специфик спондилитни ривожланиши хавф омилларини аниқлаш ва уларни прогностлашни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

ўпка сили ва унинг умуртқа поғонаси спондилити билан хамрохликда келган патологиялари бор беморларда касаллик кечишини клиник-анамнестик хусусиятларини аниқлаш;

ўпка сили билан касалланган беморларда исботланган тиббиёт усулларида фойдаланган ҳолда сил спондилити ривожланишини хавф омилларини баҳолаш;

ўпка сили билан хасталанган беморларда иммун ҳолати бузилганлиги даражасини баҳолаш ва сил спондилити ривожланиши патогенезида яллиғланиш олди цитокинлари ўрнини асослаш;

ўпка туберкулёзи бор беморларда спондилит ривожланиши хавфининг прогностик картасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотининг объекти сифатида ўпка силининг турли шаклларида чалинган 55 нафар беморлар ва сил спондилити ўпка сили билан хамрохликда келаган патологияли 45 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ўпка туберкулёзли беморларда спондилит ривожланишининг прогностик мезонларини аниқлаш имкониятларини илмий асослаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида клиник, инструментал, иммунологик, аналитик, биокимёвий ва статистик текшириш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор нафас аъзолари сил касаллиги мавжуд беморларда специфик спондилит ривожланиши хавф омиллари исботланган;

ўпка сили билан касалланган беморларда сил спондилити ривожланишида яллиғланиш олди цитокинларининг иштироки исботланган;

ўпка сили билан касалланган беморларда иммун тизими бузилишлари формуласи ишлаб чиқилиб, мазкур формула иммун тизимининг гипо- ва гиперфункцияларини белгиловчи муҳим кўрсаткичлар: $CD4_3^+$, $CD3_3^+$, IgA_3^+ , $Vл_3^+$, $CD8_3^+$, $лимф_3^+$, IgM_1^+ , IgG_1^+ ни аниқланган;

ўпка сили билан касалланган беморларда специфик сил хамрохликда келган холларда беморларда иммун тизими бузилишлари формуласи қуйидаги кўринишга эгаллиги $CD4_3^+$, В-лим. $_3^+$, IgA_3^+ , IgM_3^+ , $CD8_3^+$, $CD3_3^+$, $лимф_3^+$, IgG_1^+ кўрсатиб берилган;

ўпка сили билан касалланган беморларда специфик спондилит ривожланиши жараёнини ўз вақтида прогностлаш, сил спондилити ривожланиши хавфини комплекс баҳолаш ва бартараф этиш имконини берадиган прогностик матрица ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўпка туберкулёзли беморларда спондилит ривожланишининг прогностик мезонлари ишлаб чиқилган;

биринчи бўғин шифокорларига бундай беморларни аниқлаш ва мазкур касаллик асоратларини олдини олиш мақсадида касалликнинг бошланғич босқичида даволашни ташкиллаштирилди;

хавф омилларини турлича қўшилиб келишларида спондилит ривожланиш эҳтимолини миқдорий баҳолашга имкон берадиган клиник-статистик тадқиқоти асосида прогностик матрица ишлаб чиқилди;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган клиник тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, объектив клиник, иммунологик, рентгенологик, МРТ, ультратовуш, биокимёвий ва статистик тадқиқот усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, ўпка сили билан касалланган беморларда специфик спондилитни ривожланиши хавф омилларини аниқлаш ва уларни прогностлашни олиб бориш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотлар натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулосалар ва таклифлар ўзининг

назарий аҳамиятга эга эканлиги, ўпка сили беморларда спондилит ривожланишини эрта ташхислашда, прогнозлашдаги услубий ёшдашувларни такомиллаштиришда илмий мазмун, хулоса ва таклифларни ўз ичига олганлиги ҳамда ўпка сили билан касалланган беморларда сил жараёнининг умуртқа поғонасига диссеминациясини олдини олишга муҳим хисса қўшишганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти таклиф этилган ташхис тартиблари ва тактикалари умуртқа поғонаси спондилити ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш ва уни ўпка туберкулёзили беморларда прогнозлаш натижаларини яхшилаган. Ишлаб чиқилган прогностик карта ёрдамида нафас аъзолари сили билан касалланган беморларда сил жараёнининг умуртқа поғонасига диссеминациясини балл ёрдамида баҳолашни ўз ичига олган такомиллаштирилган ташхис космплекси ишлаб чиқилган. Янги балл миқёсларидан фойдаланиш нафас аъзолари сил касаллаллигига чалинган беморлардаги иммун тизимни ҳолатини баҳолаш, натижаларини стандартлаштириш ҳамда айнан шундай беморларда сил жараёнининг умуртқа поғонасига тарқалишини жараёни баҳолаш, олдини олиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўпка сили билан касалланган беморларда специфик спондилитни ривожланиши хавф омилларини аниқлаш ва уларни прогнозлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўпка сили билан касалланган беморларда специфик спондилитни ривожланиши хавф омилларини аниқлаш ва уларни прогнозлаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 29 мартдаги 8н-д/58-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ўпка сили билан касалланган беморларда специфик спондилитни ривожланиши хавф омилларини аниқлаш ва уларни прогнозлаш хусиятларини тизимини ташкиллаштириш имконини берган;

«Прогностик карта» ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 29 мартдаги 8н-д/58-сон маълумотномаси). Мазкур прогностик карта ўпка сили билан касалланган беморларда специфик спондилитни ривожланиши хавф омилларини аниқлаш ва беморлардаги клиник белгилар, касалликни ривожланишига олиб келувчи омилларни олдини олиш ва самарали даволаш тизимини яратиш имконини берган;

Ўпка сили билан касалланган беморларда специфик спондилитни ривожланиши хавф омилларини аниқлаш ва уларни прогнозлаш бўйича олинган илмий-тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Навоий ва Жиззах вилоятлари туберкулёзга қарши шифохоналари клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 29 мартдаги 8н-д/27-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши ўпка сили билан касалланган беморларда специфик спондилитни ривожланиши хавф омилларини аниқлаш ва уларни прогнозлаштирилганлиги, касалликни эрта

аниқлаш ва асоратларни камайтириш, ногиронликнинг олдини олиш ва даволаш профилактик ёрдам сифатини ошириш имконини яратган. «Прогнозлаш картаси» сил спондилити ривожланишини хавфини прогнозлашни акс эттиради ва аниқланган хавф омилларини баллар ёрдамида жарённи прогнозлашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 64 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 127 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалар ҳамда тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг ўтказилиши Ўзбекистон Республикасининг илғор фан ва технологиялар ривожланиш йўналишларига асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатилиб, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган. Диссертациянинг таркиби ва қилинган ишларида тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ўпка сили беморларда специфик спондилит ривожланиш башоратлаш масалаларининг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида спондилит билан бирга келган ўпка туберкулёзли беморларда таххислаш ва даволаш муаммолари бўйича синчковлик билан таҳлил қилиниб, танқидий баҳоланган, илмий манбалар билан тўлдирилиб, тизимлаштирилган. Мавзунинг ечимини топиш лозим бўлган долзарб саволлари ўрганилган. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида бу муаммолар бўйича ечилмаган вазифалар аниқланган. Тадқиқот мавзуси бўйича миллий ва хорижий адабиёт манбаалардан фойдаланилган.

Диссертациянинг «**Ўпка сили беморларда специфик спондилит ривожланиш башоратлаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг клиник материаллари ва қўлланилган усулларга умумий тавсиф берилган. Тадқиқот клиник-лаборатор текширишларга асосланган. Бунда Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тиббиёт марказида ўпка туберкулёзи ва суяк-бўғим туберкулёзи бўлимларида стационар даволанаётган ўпка туберкулёзининг турли шакллари билан касалланган 100 нафар беморлар

текширилиб, уларнинг 45 нафарида ўпка туберкулёзи туберкулёзли спондилит билан қўшилиб келган. Ёш таққосланиши 2014-2016 йилларда олиб борилган.

Тадқиқотни бажаришда замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, инструментал, биокимёвий, иммунологик ва статистик усуллар қўлланилган. Текширилувчи беморларда тўлиқ клиник-лаборатор текширувлар ўтказилган: яъни жисмоний ривожланишни баҳолаш, периферик қон текширувлари, умурқа поғонасининг МРТ си, КТ, кўкрак қафаси рентгенографияси, буйрак, жигар УТТ, ҳамда иммунологик, бактериологик ва биокимёвий таҳлиллар ўтказилган.

Диссертациянинг «**Ўпка туберкулёзили беморларда специфик спондилит ривожланишида мойил омиллар ва патогенетик механизмлар**» деб номланган учинчи бобида ўпка туберкулёзили беморларда спондилит ривожланишида хавф омилларини ўрганиш мақсадида биз клиник-анамнестик маълумотларни таҳлил қилдик.

Ўпка туберкулёзининг эрта босқичларидаги белгилар жараённинг шакли, босқичи ва жойлашишига қараб ўзгариб туради. 88% ҳолатларда инфекция ўпка шаклини намоён қилади. Бундай ҳамроҳ касаллик бўлиб вирусли респиратор патологиялар ҳисобланади. Туберкулёз билан бирга нафас олиш аъзолари касалликлари қўшилиб келишида, кўпинча ўткир вирусли респиратор касалликлар патологик жараённи кучайтиради, репарация жараёнини сусайтириб, туберкулёз кечишини асоратланишига ва унинг ривожланишида салбий ўзгаришларга олиб келади.

Амалий жиҳатдан барча текширилувчи гуруҳлар болалигида турли хил хасталиклар билан оғригани, жумладан, анамнезида бир неча маротаба ЎРВИ билан хасталаниши кузатилган.

Беморларнинг яримидан кўпроғида ўтказилган инфекциялар натижасида турли даражадаги камқонлик аниқланди. Асосий гуруҳ 13 (28,9%) ва назорат гуруҳи беморларида 18 (32,7%) ЮҚТК нисбатан кўпроқ учради.

Барча текширилувчи гуруҳларда юқори инфекцион индекс кузатилиши диққатни ўзига тортади. Шундай қилиб, барча беморлар ҳаётининг турли даврларида болалар инфекциялари, ЎРВИ, нафас йўши касалликлари, ЛОР аъзолари касалликлари, буйрак касалликларини бошидан ўтказишиб, бу инсон саломатлигини тўғри шаклланиши учун зарур бўлган организмнинг турли тизимлари ҳолатига салбий таъсир қилган бўлиши мумкин. Беморларнинг асосий қисмида бу касалликларнинг камида 3 таси кузатилганлиги аниқланган. Анамнезида нафас аъзолари касалликларининг бўлиши туберкулёз ривожланишида сўнгги ролни ўйнамай, организмнинг кучсизланиши ва ўпка туберкулёзига қарши иммунорезистентликни пасайтириб, нафас аъзоларида туберкулёзни қўшилиб келиши ва бу касалликларнинг туберкулёз билан бирга келиши патологик жараёнларнинг кучайиши, асоратланиши, туберкулёз кечишининг салбий прогнозига олиб келади. Бундай ҳолатлар асосан бронхит, пневмония, плевритларда кузатилади.

Олинган натижалар шуни кўрсатмоқдаки, тез-тез вирусли респиратор инфекциялар билан касалланувчи шахслар туберкулёз инфекцияси ривожланишининг салбий хавф гуруҳи ҳисобланишади.

Асосий гуруҳда суяк-бўғим касалликлари нисбатан кўпроқ учради: хусусан, суяк-бўғим тизимида (СБТ) дегенератив-дистрофик ўзгаришлар асосий гуруҳда таққослаш гуруҳига нисбатан 38 марта кўпроқ учради ($P < 0,001$).

СБТ да яллиғланиш жараёни ҳам 2 гуруҳда нисбатан 6,3 марта кўпроқ кузатилди. Бу эса асосий гуруҳ беморларига қараганда спондилит ривожланиши учун сабабчи бўлиши ўз-ўзидан маълум бўлмоқда ($P < 0,001$).

Асосий гуруҳда ўтказилган касалликлар индекси 3,6 ни, таққослаш гуруҳида эса бу кўрсаткич 3,0 ни ташкил қилди, бундан келиб чиқадики ўтказилган касалликлар ва туберкулёз ривожланиши ўртасида узвий боғлиқлик борлигини кўрсатмоқда. 6 ой муддатгача асосий гуруҳ беморлари стационарга мурожаат қилиши 31 (68,9%) нафар ва таққослаш гуруҳи беморларида эса 21 (38,2%) нафарини ташкил қилди. Бу гуруҳ беморларининг кўпчилигида (52,7%) 6 ойдан 1 йилгача мурожаат қилиб, уларнинг периферик қон таркибида лимфоцитоз кузатилди. ЎТБ да лимфоцитоз даражаси таққослаш гуруҳида 6,8%, асосий гуруҳда назорат гуруҳига қараганда 37,6% ҳолатда ошиши кузатилди. Эозинофиллар ошиши организмнинг аллергия реакциясининг бир белгиси деб кўрилиши умум томондан қабул қилинган бўлиб, эозинфиллар миқдори соғлом кишиларга таққослаганда гуруҳларга мувофиқ 55,0% ва 51,5%га, моноцитлар эса 84,4% ва 62,9% га ошди (3.4-жадвал).

Тромбоцитлар миқдорининг ошиши алоҳида қизиқиш уйғотиб, бу қоннинг тромбоген потенциали фаоллашганини кўрсатади: асосий гуруҳда 25,5% ва таққослаш гуруҳида 20,5% бўлиши тромботик асоратлардан дарак беради.

Шундан келиб чиқадики, хусусан ЎТБ нинг спондилит билан бирга кўшилиб келган шаклларида қоннинг физик-кимёвий хоссалари ЭЧТнинг ошиши кўринишида ўзгариши (ЭЧТ 5,5 марта ошган), организмда яллиғланиш жараёнлари борлигидан далолат беради.

Текширилаётган беморларнинг периферик қонидаги ўзгаришни таҳлил қилиб, биз бу ўзгариш умумий жараён характерида бўлишини, унинг ўткирлигини акс этиши, тарқалганлиги ва кечишида ўзига хос қонуният намоён қилишини аниқладик. Текширилаётган беморларнинг қон зардобидан олинган биокимёвий кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатдики, бу беморларнинг гепатобилиар тизими компенсация ҳолатида экан: АлАТ, АсАТ ва умумий билурибин миқдори соғлом кишилардан бироз фарқланди. Лекин баъзи бир беморларнинг жигар ўлчамлари катталашмай, функционал оғишлар кузатилди.

Зарарланган умуртқа поғонасини нур билан текшириш шуни кўрсатдики, иккала гуруҳ беморларида икки умуртқанинг зарарланиши 30та ҳолатда (31,3%) кузатилди. Кўпроқ 3 та умуртқанинг зарарланиши

аниқланиб, бу 42 нафар беморда (43,8%) кузатилди. 4 та умуртқанинг зарарланиши нисбатан камроқ 17 (17,7%) нафар беморда бўлди, 4та ва ундан ортиқ умуртқаларнинг зарарланиши эса 9 нафар беморда (9,4%) аниқланди. Беморларнинг рентген, КТ ва МРТ маълумотлари бизга умуртқаларнинг зарарланиш даражаларини аниқлашга ёрдам берди. Бунда умуртқа поғонасининг кўкрак қисми зарарланиши бошқа қисмларга қараганда кўпроқ учраб, 34 (35,4%) нафар беморларда кузатилди, ундан кейинги ўринларда, 27 (28,1%) нафар бемор билан умуртқанинг бел қисми зарарланиши қайд этилди. Умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел қисми зарарланишидан сўнг, 21 (21,9%) нафар беморда кўкрак-бел умуртқалари зарарланиши аниқланган бўлса, бел-думғаза умуртқаларининг зарарланиши 11 (11,5%) нафар беморга тўғри келди. Умуртқа поғонасининг бўйин қисми патологияси нисбатан кам 2 (2,1%) ҳолатда учради.

Шундай қилиб, умуртқа поғонасининг нотурғунлиги 30 нафар (66,7%) беморда кузатилди. Умуртқа поғонаси ҳаракатчанлигининг чекланиши 18 (40,0%) беморда қайд қилиниб, ҳатто оз юкламада ҳам кучли оғриқ симптомлари билан кечиши аниқланди. Оғриқлар тинч ҳолатда 22 нафар (48,9%) беморни безовта қилган бўлса, 44 та (97,8%) беморда турли хил юкламаларда оғриқ кузатилди.

Кучли интоксикация ва паренхиматоз аъзолар функциясининг бузилиши фонида паравертебрал абсцессларнинг бўлиши суяк тўқимаси деструкциясини кучайтиради [87].Кўкрак паравертебраль абсцесслари 40та (88,9%) беморда кузатилди, псоас абсцесслар эса - 25 (56,6%) нафар беморда қайд қилинди. 7 (15,6%) нафар беморда жараённинг оқма шакли учради. Паравертебрал абсцесслар ва эпидурит фонида шикастланган умуртқаларнинг танасидаги деструктивўзгаришларни ривожланиши орқа миянинг компрессиясига олиб келиб, бу айниқса туберкулёз жараёни ривожланишининг кейинги босқичларида кузатилади.

Шундай қилиб, тез тарқалган жараён суяк моддасининг кўплаб парчаланиши ва кенг кўламли некрози секвестрацияга олиб келиб, бунинг натижасида умуртқанинг шикастланган танаси касалликнинг анча эрта босқичларида эзилади ва емирилади. Бундан ташқари, беморларда тарқалган суяк жараёнларидаги умуртқа танасининг яққол бузилишлари тоғай дисklarининг тўлиқ зарарланишига олиб келиб, рентгенограммада умуртқа поғонасининг деформация нуктасида аниқланган жойда типик бурчакли букирлик кўринади. Биз текшираётган беморлардан 8 нафариди (17,6%) кифоз бурчаги 120° дан кичик, 12 нафариди (26,7%) эса бурчак 120° дан юқори бўлди.

Пирамида етишмовчилигитипидаги енгил даражадаги спастик парапарез 11 нафар (24,4%), ўрта спастик парапарез 15 нафар (33,3%), чуқур спастик парапарез 8 нафар (17,8%) беморда кузатилган бўлса, қуйи спастик параплегия 4 нафар (8,9%) ва орқа мия суст бузилишлари 7 нафар (15,6%) беморда аниқланди. Оғир орқа мия бузилишларининг оғирлиги – чаноқ аъзолар функцияси бузилишлари билан аниқланади. Чаноқ аъзолари

функцияси бузилишлари 23 нафар (51,1%) беморда кузатилди. Шунга мувофиқ 26 нафар (57,8%) беморда қисман сийдик тутилиши аниқланиб, императив кисташлар билан алмашиб турадиган сийдик тутилиши 10 та беморда (22,2%), ҳамда парадоксал сийдик ажратиш 2 нафар (4,4%) беморда учради. Туберкулёз спондилитида умуртқа поғонасида ўтказилган рентгенограмма ва КТ, МРТ текширишлари таҳлил қилиниб, аниқланган деструкциялар хусусиятига кўра 3 та асосий турларга ажратилди: умуртқалар танасидаги ўчоқли деструкция; секвестрли ёки казеоз массали умуртқа таналари аро суяк каверналарининг ҳосил бўлиши, бунда умуртқа танасининг периферик қисмлари сақланган ва деструкция бўшлиғи атрофида ўзига хос “суяк қутичаси”нинг пайдо бўлиши; ясси контактли деструкция, бунда деструкция жараёни умуртқа таналари чегарадош қисмларини бутун юзаси бўйлаб бир текис тарқалган бўлади.

Умуртқа танасининг деструкция жараёни чуқурлигига кўра умуртқалар шикастланиши 4 вариантга ажратилди: умуртқа таналари юзаки ва баландлигининг 1/3 қисмигача шикастланиши; умуртқа таналари 1/2 қисмигача ёки баландлигининг 2/3 қисмигача шикастланиши (энг кўп учради); умуртқаларнинг субтотал ёки тотал шикастланиши; кариеса типидagi деструкция.

Жараёнга кўп миқдордаги умуртқалар жалб қилинганда, деструкциянинг турлари ва вариантлари кўшилиб келиши кузатилди. Кам ҳолатларда туберкулёзли спондилитининг атипик кечишида деструкция характери кўрсатилган турларига мос келмади. Дурал қопнинг умумий рентгенограммаси ва контрастсиз КТ си бўйича орқа миянинг суяк компрессияси ва эпидурал абсцессфақат 31,8% ҳолатлардагина умуртқа канали бўшлиғида оҳакланган казеоз массалар ва секвестрлар аниқланишига тахмин қилиш мумкин. Бошқа ҳолатларда дурал қопчани контрастлашсиз текширишда компрессиянинг даражасини, босқичини ва давомийлигини ишончли баҳолаш мумкин эмас. Компрессия бўйича эпидурал абсцесс контраст миелограммада аниқланади, бунда абсцесс орқа миянинг контрастланган қобиғида жойлашиб, унинг фонида тўлишиш нуқсони ҳосил бўлиши ёки ликвор йўлининг тикилишини келтириб чиқаради. Компрессия жойидаги дурал қопча, умуртқа каналининг кифотик деформация шаклини қайтариб, ташқи босим остида орқага оғишиши ва силжиши кузатилиб, умуртқа каналида захира бўшлиғини ҳосил қилди. Ликвор йўлининг тўлиқ беркилиши, туберкулёз спондилитининг яққол патологик намоён бўлишидан далолат берди. Сагиттал проекциядаги КМГ да туберкулёзли спондилитнинг эволютив шаклида дурал қопча компрессиясининг 4 вариантини ажратдик: дурал қопчанинг ўчоқли ёки кенг кўламли компрессияси абсцесснинг контурлари ва узунлигининг визуализацияси билан 20 (44,4%); умуртқа танаси қолдиқларида ўчоқли суяк компрессияси 11 (11,5%); дурал қопчанинг нотекис контрастланиши, бунда компрессия жойида унинг контури изига тушмайди, лекин фронтал миелограммада контраст модда компрессия нуқтасининг юқорисида ва пастки қисмида аниқланди 3 (3,1%); ликвор

йўлининг тўлиқ беркилиши, контраст модданинг тўхтаб қолиши 9 (20,0%). 2 нафар (2,1%) беморда эпидурал абсцесс компрессияси билан дурал қопчанинг аралаш суяк компрессияси кузатилди. Ликвор йўлининг тўлиқ беркилишида контраст модданинг тўхташи ё равоқсимон эгилиш жойида аста-секинлик билан кузатилиб, абсцесснинг куйи қутбида букилиб ва бўртиб қолади, ё дурал қопчанинг контрастланган майдонида тезда “узилиб” қолиши кузатилади. Ликвор йўлининг тўлиқ блоканишида контраст модданинг тўсатдан кўндаланг тўхтаб қолиши, бизнинг фикримизча, ё эпидурал абсцессда юқори босим, ё яллиғланиш жараёнининг орқа мия пардаларига тарқалиши билан боғлиқ бўлади. Бизнинг материал таҳлили кўрсатишича, туберкулёзли спондилитнинг бошланғич босқичидаги нурли текширув натижаларининг хато изоҳланиши фоизи унча юқори бўлмай, туберкулёзли спондилитнинг кечки таъхисотидан устунлик қилади. 14 ҳолатда (31,1%) жараён спондилит фазасининг авж даврида аниқланди, 15 нафар (33,3%) беморда эса неврологик бузилишлар фонида ривожланганлиги аниқланди. Жараён энг кўп 2-3-4-5-6 чи умуртқаларда ривожланди. 19 нафар (42,8%) беморда умуртқа каналида инфильтрация аниқланди. Рентгенограммада кўкрак умуртқаларидаги абсцесс яхши кўришиб, уларга хаво билан тўйинган ўпка тўқимаси фони сабаб бўлди.

Қорин парда орти абсцесслари *m.tuberculous* маънонинг чегараларнинг кенгайишининг билвосита белгилари бўйича аниқланди. Умуртқа поғонасининг бел қисмидаги кичик паравертебрал абсцесслар ва белнинг юмшоқ тўқималари абсцессни кўриш имкони бўлмади. Абсцесс контурлари ва унинг атрофидаги аъзолар билан чегараларини рентгенограмма ва томограммаларда ҳар доим ҳам аниқлаб бўлмайди. КТ ва МРТларда абсцессларни, уларнинг камералари, умуртқалар ва атроф тўқималарга нисбати бир хил даражада яхши аниқланиши, асосан ички контрастлашдан сўнг амалга ошди. Абсцесс шаклланишининг эрта босқичларида умуртқа танаси атрофида ёғ тўқимасининг қатламланган инфильтрацияси кузатилади.

МРТ нинг афзаллиги – кўп проекцияли текширувнинг имконияти нафақат абсцессни атрофдаги тўқималарга нисбатини, балки улар орасидаги ўзаро таъсирни ҳам аниқлайди. Рентгенограммалар ва КТ да аниқланган ўзгарган суяк структураларини комплекс баҳолаш, ҳамда МРТ даги патологик ўзгарган сигналлар умуртқа поғонасидаги морфологик ўзгаришлар ва туберкулёзли спондилит даврлари тўғрисида тасаввур қилиш имконини берди.

Туберкулёзли беморларда бутун организмнинг ҳужайралар мембранасини структур-функционал ҳолатини унификацияланган модели сифатида қабул қилинган эритроцитлар мембранасида, ҳамма гуруҳ беморларида про-ва антиоксидант гомеостазнинг сезиларли бузилишлари аниқланади.

Туберкулёздаги муаммоларнинг долзарблиги, пайдо бўлиши ва асоратларининг сезиларли частотасида кўринади. Туберкулёз организм тизими-мига нохуш таъсир кўрсатиб, асосан эндотелиал дисфункция кўринишидаги оксидланувчи жараёнлар фаоллашишига кучли омил бўлиши исботланган.

Туберкулёзда бутун организмнинг ҳужайралар мембранасини структур-функционал ҳолатини унификацияланган модели сифатида қабул қилинган эритроцитлар мембранасида, иккала гуруҳ беморларида про- ва антиоксидант гомеостазнинг сезиларли бузилишлари аниқланади. Про- и антиоксидант гомеостазнинг бузилиш ҳолатларини баҳолаш учун туберкулёзли беморларда уларнинг кўрсаткичлари ўрганилди.

ХЛ нинг интенсивлиги назорат гуруҳига қараганда ўртача 1,85 баробар кўп ўсади, шунингдек МДА ҳам сезилари – 2,4 маротаба ошади, ундан камроқ ПГЭ миқдори 1,9 маротаба кўп ўсади ва фосфолипаза А₂ нинг фаоллиги 1,7 марта ошади.

Фосфолипаза А₂ фосфолипидлар мембранасини янгилашда иштирок этиб, мембраналар турғунлиги ва биокимёвий фаоллигини, яқуний ҳисобда эса ҳужайраларнинг функционал ҳолатини белгилаб беради.

Фосфолипазали реакцияларнинг маҳсулотлари - лизофосфатидилхолин ва ёғ кислоталари – мембранали жараёнларга кучли таъсир қилувчи бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, фосфолипазы А₂ простагландинлар, лейкотриенлар ва арахидон кислотаси метаболизмининг бошқа маҳсулотларини биосинтезида калит ролини бажаради. Патологик жараённинг эрта босқичларидан бири ҳужайраларнинг мембрана комплексини структураси ва функциясини бузилиши ҳисобланади. Ҳужайра мембранасини шикастланиш механизми турлича бўлиб, улардан асосийси – ферментатив ҳисобланади (фосфолипаза А₂ – ҳужайра мембранасининг асосий липидли таркибий қисми – фосфоглицерид молекуласини мураккаб эфир боғини парчалайди).

Шундай қилиб, эндотелиал дисфункция асосида патохимёвий реакцияларнинг занжири ётган бўлиб, бу фосфолипаза А₂ ва шунга мувофиқ биологик фаол моддалар синтезини кучайишидан келиб чиқади. Бунда фосфолипаза А₂нинг фаоллиги патологик объект ҳолатида сезгир диагностик ва прогностик маркер бўлиб хизмат қилиши мумкин.

ПОЛ(ХЛ интенсивлиги, МДАни сақлаш, ПГЭмиқдори, ФА₂фаоллиги) жараёнларини сезиларли ошиши фонида табиий АОЗ ферментлари фаоллигида мувозанат бузилиши кузатилади.

Бунда иккала гуруҳдаги беморларда СОД нинг фаоллиги 1,7 марта, КТ 1,9 марта, ГП – 1,5 марта камаяди, ГРэса 1,3 марта ва ГТ 2,1 марта ошган.

Шуни ҳисобга олиш керакки, ушбу ҳолатда ПОЛ нинг интенсификацияси икки асосий омил сабабидан келиб чиқиши мумкин. Биринчи навбатда ПОЛ нинг юқори интенсивлиги, кўш боғининг узилиши ва фосфатидли бошчасидан ажралиши натижасида эркин радикалли оксидланишни манбаига айланган, ҳужайра мембраналари фосфолипидли матриксининг кўп тўйинмаган ёғ кислоталари - оксидланишни асосий субстрати бўлиб хизмат қиладиган фосфолипаза А₂ нинг юқори фаоллиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ҳужайра мембраналарида ҳосил бўлган эркин радикаллар кейинчали қон оқимига тушади, кучсиз ёруғликнинг интен-сивлиги кучайтирилиб, липопероксид-ланишнинг охирги маҳсулотининг таркиби – МДА қайд қилинади. Фосфолипидларнинг биодеградацияси жараёни билан

кузатиладиган ПОЛ жараёнларининг интенсификацияси мембрана оксилларининг функцияси бузилишининг асосий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади, жумладан хужайралардаги K^+ ва Ca^{2+} ионлар миқдорининг мувозанатини бузилишига олиб келувчи ионли каналлар охир-оқибат хужайра мембраналарининг деструктивацияси ва ўтказувчанлигини ошириб, хужайрани некрозга олиб келади. Мембранали структурани турғунлигини бузувчи муҳим кўрсаткич ПГЭ ҳисобланиб, у 1 ва 2 гуруҳ беморларда даволаниш ўтказилгунга қадар сезиларли даражада юқори бўлган. Туберкулёзли беморларда ПОЛ интенсификациясида иккинчи муҳим омиллардан АОЗ – СОД, КТ ва ГП ферментларининг фаоллигини яққол пасайиши бўлди.

Глутатионга боғлиқ оксидланиш тизими ферментлари фаоллиги мувозанатининг бузилиши, хужайраларнинг генетик аппаратига таъсир қиладиган, турли мутацияларга олиб келувчи цитотоксик алмашинув маҳсулотларининг тўпланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Демак, ўтказилган тадқиқот шундан далолат берадики, мембранадаги жараёнларни беқарорлаштиришга олиб келувчи омиллар, антиоксидант ҳимоясининг етишмовчилигига олиб келиши мумкин бўлган мембрана липидларининг эркин-радикал оксидланишининг фаоллашиши ҳисобланади.

Операциядан кейинги беморларда қоннинг хужайра реактивлиги интеграл индексини солиштирма таҳлили даволаниш бошлангунча ва кузатув динамикасида кўрсаткичларнинг яққол ўзгаришини аниқлайди. Туберкулёз ривожланишида лимфоцитлар ва эозинофиллар нисбатининг гематологик индекси миқдорини тавсифлайдиган интоксикациянинг лейкоцитар индекси (ИЛИ), носпецифик ҳимоя жараёнлари ва секин турдаги гиперсезувчанлик реакциясининг ривожланиши кузатилади. Беморлар организмда эндоген интоксикация синдроми ривожланиши билан кузатиладиган биокимёвий ўзгаришларга гемограммада носпецифик ҳимоя хужайраларининг популяцияси организмдаги специфик ҳимоя хужайралари таркибидан устунлиги ва микрофагал-макрофагал тизимнинг мураккаб бузилишлари олиб келади.

Туберкулёзли беморларнинг ҳолатини баҳолашда қоннинг лейкоцитар формуласи хужайра элементларига нисбатан тизимли таҳлил муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу ҳолатга интоксикациянинг лейкоцитар индекси (ИЛИ) мос келади.

ИЛИ ни ошириш эозинофиллар йўқолиши, лимфоцит ва моноцитлар сонининг камайиши, плазматик хужайраларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Эозинофил лейкоцитларнинг дезинтоксикацион йўналганлигини ҳисобга олиб, улар маҳаллий реактив жараёнларга ўзларини сезиларли ҳиссаларини кўшадилар деб ҳисоблаш мумкин. Моноцит ва лимфоцитларнинг камайишини иммунҳимоя кучлари йўқолганлиги сифатида баҳолаш мумкин, қонда унинг ёш ва етилмаган шакллари пайдо бўлиши эса, организмдаги токсинларнинг фаолсизлантирилишини таъминлайдиган компенсатор механизмларни зўриқишидан далолат беради. Парамеций тест қийматининг миқдори ўртача 1-чи гуруҳ беморларда 16,0% га, 2-чи гуруҳ

беморларда 12,% га камайди, ИЛИ кўрсаткичи – 1-чи гуруҳ беморларда 8,8 марта, 2-чи гуруҳ беморларда эса 9,2 марта ошди.

Молекулаларнинг ўртача массаси (МЎМ) қийматининг ошиши уларнинг организмдан чиқарилишининг бузилиш, тўқималарда ҳосил бўлишининг кучайиши, ёки иккала механизмларнинг қўшилиб келиши билан боғлиқдир. МЎМ концентрациясининг ошиши билан кузатиладиган турли генезли эндотоксемия кузатилади, бунда МЎМ нинг миқдори беморларнинг аҳволини оғирлиги билан ўзаро боғланади ва интоксикация даражасининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бизнинг тадқиқотларда МЎМ гуруҳларга мувофиқ 6,6 ва 6,4 марта, мочевина эса 2,2 ва 2,0 марта ошди.

Тадқиқотнинг 1-чи босқичидаги асосий вазифа ўпка туберкулёзи фониди спондилит ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш ва баҳолаш, 2-чи босқичда эса – уни прогноزلаш бўлди. Биз текширилаётган беморларнинг ҳолатини ҳар бир кўрсаткичида спондилитнинг ривожланиши нисбий хавфини ҳисоблаб чиқдик. Нисбий хавф юқори бўлган вазиятда ($RR>1$), ўрганилаётган омилда касалланиш хавфи, унинг йўқлигига қараганда юқоридир. Нисбий хавфда омиллар орасидаги боғлиқлик бирга тенг бўлганда касаллик кузатилмайди.

Ўпка туберкулёзи билан солиштириш гуруҳидаги беморларнинг кўпчилиги – 46 таси (83,6%) шошилиш кўрсатмалар бўйича госпитализация қилинди. Бироқ, уларнинг ҳаммасида бир ойдан бир йилгача бўлган вақтда давом этган респиратор шикоятлар аниқланди. Шифохонага қабул қилинганда 17 бемор (30,9%) $38-39^{\circ}\text{C}$ гача бўлган ҳарорат кўтарилишига, 21 бемор (37,2%) субфебрил ҳароратга, яъни куннинг иккинчи ярми ёки кечки пайтда кўтариладиган субфебрил ҳарорат кўринишидаги терморегуляция бузилишига хос шикоятлар билдиришди. Беморлар яна йўталга – 24(43,6%) ($P<0,01$) (жумладан балғам ажралишига – 21 (38,2%) ёки қуруқ йўталга – 3 (5,5%)), нафас сиқишига 33 (60,0%) ва қон тупуришга 2 (3,6%) шикоят қилишди.

Асосий гуруҳидаги беморларнинг 21 тасида (46,7%) касаллик ўткир бошланиши кузатилди: 12 тасида (26,7%) тана ҳароратининг $38-39^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилишида спондилит ривожланишининг нисбий хавфи бўлди ($RR=1,94$), субфебрилитет 33 (73,3%) ($RR=2,92$), йўтал – 43 (95,6%) ($P<0,01$) (жумладан балғам ажралиши – 31 да (68,9%) ($RR>1,80$) ёки қуруқ – 12 да (26,7%) ($RR=4,89$)). Бунда қуруқ йўталли беморларда спондилит ривожланишига юқори хавф омили бўлишидан далолат беради. Нафас сиқиши 28 нафар беморда (62,2%) кузатилиб, нисбий хавф ($RR>1,51$) бўлди.

10 нафар беморда - 22,2% ($RR>6,61$) касалликнинг дастлабки кўринишларидан қон туфлаш кузатилиб, бу ўчоқ атрофида перифокал яллиғланиш ёки уларнинг парчаланиб, унча катта бўлмаган каверналар шаклланиши билан боғлиқ бўлди. Бу белгиларнинг турли кўринишлар билан қўшилиб келиши, симптоматиканинг ривожланиши, ҳамда қон тупуришнинг ўткир пайдо бўлиши госпитализация учун сабаб бўлиб хизмат қилди.

24 нафар (53,3%) беморлар астеник симптомлар билан қўшилиб келган респиратор симптоматиканинг пайдо бўлиши (ёки кучайиши) кўринишида касалликни аста-секин бошланганини айтишди. Уларга тез толиқиш, меҳнат қобилиятининг пасайиши, жиззакилик, уйқунинг ёмонлашиши каби шикоятлар хос бўлди. Беморлар ўзларида иштаҳа пасайиши (RR=1,44), тана вазнининг камайиш (RR=1,43), умумий ҳолсизлик, жиззакиликни кузатдилар (RR=1,43).

ЮҚТ касалликлари, ОИЙ патологияси, урогенитал, қалқонсимон бездаги касалликлар ўпка туберкулёзи бор беморларда спондилит ривожланишига юқори хавф омили бўлади. Умуртқа поғонасида дегенератив-дистрофик касалликлар (ДДК) билан боғлиқ деярли ҳамма турдаги касалликлар орқа мия ва радикуляр синдромни жалб қилиб, спондилит ривожланишига юқори хавф омили бўлади ва 7,30 дан 46,44 гача чегара доирасида бўлади. Спондилит ривожланишида умуртқа поғонасида: дегенератив-дистрофик ўзгаришлар, эрта ўтказилган оператив муолажалар ва яллиғланиш жараёнлари жуда муҳим роль ўйнайди (RR=3,26; RR=3,81).

Озиқ-овқат маҳсулотлари беморга туберкулёзни юқтириши мумкин; бундан ташқари инфекция туберкулёзга чалинган жониворлардан уларнинг сути, сут маҳсулотлари ва гўшти орқали одамга ўтиши мумкин (RR=0,74).

Туберкулёзга чалинувчанлик мутлоқдир. Юқумли жараённинг кечиши организм ва унинг қаршилиқ ҳолати, озиқланиш, маиший-турмуш шароити ҳамда оғир жисмоний меҳнатга боғлиқ бўлади (RR=1,75). Бундан ташқари гормонал препаратларни қабул қилиш (RR=2,75) ва ҳамроҳ касалликлар (ҚД, ОИЙ ваб.) (RR=2,85) организмни ҳолсизлантириб, унинг қаршилигини камайтиради.

Ўпка туберкулёзили беморларда спондилитнинг ривожланиши ўпка патологиясининг шаклларига боғлиқ бўлади. Бизнинг ҳисобимиз шуни кўрсатдики, ЎТЛнинг инфилтратив, цирротик ва диссеминирланган шакллари спондилит ривожланиши хавфида энг катта аҳамиятга эга бўлади (RR=5,89, RR=6,11, RR=6,11). ЎТЛ нинг диссеминирланган шаклида (RR=5,89) ўпкада зарарланган кўп ўчоқларнинг ривожланиши хос бўлади. Бу шаклдаги инфекция ё қон оқими, ё лимфа томирлари ва бронхлар бўйлаб тарқалади. Кўпинча микобактерия кўкс оралиғи лимфа тугунларидан гематоген йўл билан бошқа аъзоларга, хусусан умуртқа поғонасига тарқалишни бошлайди. Ўпканинг инфилтратив туберкулёзи (RR=6,11) катталарда бирламчи юқишда ва сурункали шаклларда учрайди. Атрофида яллиғланиш майдони бўлган, казеоз ўчоқлар шаклланади. Инфекция ўпканинг ҳамма бўлақларига тарқалиши мумкин. Агар инфекция ривожланса, казеозли таркиб эрийди ва бронхларга тушади, бўшаб қолган ковак эса янги ўчоқлар ҳосил бўлишига манба бўлиб қолади.

Цирротик туберкулёз – бу иккиламчи туберкулёзнинг пайдо бўлишидир. Бунда касалликнинг узоқ давом этиши натижасида ўпка ва плеврада кенг кўламда фиброз тўқималар пайдо бўлади. Фиброз билан бирга ўпка тўқимасида янги ўчоқлар, ҳамда эски каверналар бўлади (RR=6,11).

Энг паст кўрсаткич ўпка туберкуломаси бўлган шахсларда кузатилади, афтидан бу туберкулома сушт кечувчи йирик (диаметри 1 см.дан ошиқ), юмалок, ўпка казеоз некрозли ўчоғини бириктирувчи тўқима билан капсулага ўралганлиги, атрофидаги ўпка тўқимасидан аниқ ажралиб туриши хусуситияти билан боғлиқ бўлиб, спондилит ривожланиш хавфини камайтиради. ЎТЛ нинг ўчоқли (RR=3,67) ва кавернали (RR=3,67) шаклларида, диссеминирланган ва инфильтратив шаклларида караганда нисбий хавф 1,6 маротаба кам бўлади (1-жадвал).

1-жадвал

Текширилган беморлардаги ўпка туберкулёзи шакллари

Ўпка тўқимаси ши- кастланиши шакли	Асосий гуруҳ (n=45)		Таққосланган гу- руҳ (n=55)		P	RR
	Абс	%	абс	%		
Тарқалган сил	10	22,2	5	9,1	<0,05	5,89
Яллиғланган сил	14	31,1	8	14,5	<0,01	6,11
Ўчоқли туберкулёз	6	13,3	13	23,6	<0,01	3,67
Туберкулома	5	11,1	12	21,8	<0,05	1,83
Каверноз туберкулёз	2	4,4	9	16,4	<0,01	3,67
Фиброз-кавернозли туберкулёз	4	8,9	10	18,2	<0,01	2,17
Цирротик туберкулёз	4	8,9	3	5,5	<0,05	6,11

Биз ўпка туберкулёзили беморларда спондилит ривожланишига нисбий хавф таъсири даражасини аниқлашга имкон берадиган, текширилаётган беморлар ҳолатидаги ушбу кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқдик.

Диссертациянинг «Туберкулёзли беморларда иммунитет ва цитокинли статус ҳолати. Ўпка туберкулёзили беморларда спондилит ривожланиши прогностик матрицасини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида спондилит ривожланиш хавфига иммун тизими таъсирининг ўрни аниқланди, шунингдек хавф диапазонини аниқлашга имкон берадиган матрица ишлаб чиқилди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, иккала гуруҳдаги беморларнинг периферик қонида лейкоцитлар ва лимфоцитларнинг абсолют миқдорини статистик қиймати ($P < 0,001$) ошди. ЎТБ ли беморларда лейкоцитлар сони 62,8% га, лимфоцитлар сони эса 75,2% га ошди. Кўпроқ ифодаланган ўзгаришлар динамикаси лейкоцитлар сони 2 марта ошган, ТС ли 2 гуруҳларда кузатилди. Бу тахминан ЎТЛ ли беморларга солиштирганда гуруҳларда ўрганилаётган кўрсаткичлардан учдан бир қисмига ошиқдир. Бундан келиб чиқадики, лейкоцитоз ва лимфоцитознинг ўткир даврда бўлиши организмда яллиғланиш жараёни ривожланишини тасдиқлайди. Иммун тизимидаги бошқаришнинг асосий компонентлари Т- ва В-лимфоцитлари ва уларнинг субпопуляцияларини ўзаро таъсири ҳисобланади. ЎТЛ ва ТС даги патологик жараёнда иммун тизими ҳужайра механизм-ларининг компенсатор стимуляцияси кузатилди. Т-лимфоцитларнинг умумий абсолют сони ҳам ЎТЛда 1,3 марта ва ТС да 1,7 марта ошди,

шунингдек иккала гуруҳларда Т-лимфоцитларнинг фоиз таркиби сезиларли даражада ошиши кузатилди.

Олинган натижалар таҳлилидан кўриниб турибдики, ЎТБли беморларда Т-хелперлар қиймати ошгани ($P < 0,001$), ТС да эса назорат қийматидан кам фарклангани кузатилди.

Бундан ташқари Т-супрессорларнинг абсолют миқдори фоиз каби 1 гуруҳ беморларида статистик қиймати ошди ($P < 0,001$), 2 гуруҳ беморларида эса назорат қийматига солиштирганда камайди.

Туберкулёзнинг иккала шаклида хелпер субпопуляциясининг кескин стимуляцияси кузатилган Т-хелперлар ва Т-супрессорларнинг мувозанати бузилиши аниқланди, ҳамда бу фонда ЎТБ да Т-супрессорларнинг сезиларли ошиши ва ТС да уни пасайиши кузатилди.

Текширилаётган беморларда иммунитетнинг гуморал бўғинидаги ўзгаришни баҳолашда лимфоцитлар миқдори назорат қийматига солиштирганда ЎТБда 1,3 марта ва ТС да 1,5 марта ошганлиги аниқланди. Ўхшаш ҳолат иккала гуруҳларда ҳам фоиз нисбатида кузатилди.

Иммунитетнинг В-тизимини муҳим хусусиятларидан бири зардоб иммуноглобулинларининг концентрацияси ҳисобланади.

Биз ТБда иммун комплекснинг кўп қисмини ташкил қиладиган иммуноглобулин А таркибини қонда ошганини аниқладик (меъёрий кўрсаткичлар 2,0-2,9 баробар ошади).

Қон плазмасида айланиб юривчи иммун комплекслар таркибини аниқланиши, касалликни бу базис механизм билан боғлиқлигини тасдиқлайди. ТБда бу комплексларнинг қон плазмасидаги миқдори, ЎТБ да 127,6 шарт.бир., соғлом одам кўрсаткичларидан 2,5 баравар кўп, ТСли беморларда 3,5 баравар кўп ошди, ҳолбуки бу ошиш даражаси ва хасталикнинг оғирлиги орасида мувофиқлик йўқ.

Иммун комплекслар шаклланишининг сабаби инфицирланиш, дори воситаларини қабул қилиш, қон плазмасида оксил таркибининг ўзгариши бўлиши мумкин. Қон-томир деворлари структурасининг ўзгариши ва коллаген синтезининг бузилиши тромбоцитларнинг контактли стимуляциясига олиб келади ва микротромб ҳосил бўлишига шароит яратади. Клиник кўришни локализацияси ва яққоллиги қон-томирларнинг худудий ва миқдорий шикастланиши билан намоён бўлади.

Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотда ТБли беморларда хужайра иммунитетиде иммун бошқариш индекси пасайганида Т-лимфоцитлар, В-лимфоцитлар, Т-хелперлар сонининг камайиши ва Т-супрессорларнинг ортиши намоён бўлган сезиларли ўзгаришларни аниқладик. Бу ўзгаришлар касалликнинг чўзилишига боғлиқ бўлиб, таққослаш гуруҳидаги беморларга қараганда, асосий гуруҳ беморларида яққол ифодаланди.

Шу нарса маълумки, организмнинг мукамал иммун жавоби Т- ва В-лимфоцитларнинг биргаликдаги ҳаракатини таъминлайди. Шунга боғлиқ равишда эътиборга олиш керакки, бизга маълум бўлган юқоридаги

ўзгаришлар иммунитетга жавобгар хужайраларни ўзаро биргаликдаги ҳаракати бузилганлигидан далолат беради.

